Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2012-yil, 31-yanvar. Seshanba • 13 (31.445) • Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида баён этилган «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳалари муҳокама қилинди. Шунингдек, депутатлар **қуйи палатанинг 2011 йилдаги фаолияти**ни кўриб чиқишди.







# ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президентимизнинг «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамаси чоғида фракция аъзолари таъкидлашдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, мамлакатни модернизация қилишга оид муҳим дастурлар бажарилди, иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатлари таъминланди, банк-молия тизимининг мустаҳкамлиги ошди. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам ижтимоий ҳимоя тизими етакчи хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Фракция аъзолари бунга алоҳида эътибор қаратишди.

**Аҳад АҲМЕДОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Қонун ижодкорлиги жараёнида жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир йўналишларга алоҳида аҳамият бериш керак.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳамиятини электорат орасида кенг тушунтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси самарасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, оилалар фаровонлигига қаратилган дастурларнинг бажарилиши олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Йиғилишда таъкидландики, Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳам ўз фаолиятини янада самарали ташкил қилиши, айниқса, қонунчилик жараёни ислоҳотлардан орқада қолиб кетмаслиги учун партия ғоялари ва дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳалари юзасидан фракциялараро рақобатни янада кучайтириши лозим.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Бу йил касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ўрта махсус таълим муассасаларидаги таълим сифати, ёшларни касб-ҳунар муассасаларига қамраб олиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, коллеж ва лицейларни тамомлайдиган йигит-қизларнинг қаерга ишга жойлашиши ҳозирдан аниқ белгилаб олиниши, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш керак. Бу масалалар юзасидан мониторинг ишларини кучайтириш, бунда ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, ҳар биримиз бу масалага масъулият билан қарашимиз зарур.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2011 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди.

Маълумки, ўтган йил давомида назорат-таҳлил тадбирларида 94 та масала кўриб чиқилган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 44 фоизга кўпдир. Муҳокама қилинган масалалардан 53 таси қонунлар ижроси, конвенция ва миллий дастурларнинг бажарилишига оиддир.

Шу ўринда айтиш керакки, ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан ўтган йил 23 ноябрь куни Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Хаитовнинг, 14 декабрдаги ялпи мажлисда «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг ҳолати: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида»ги масалада Бош вазир ўринбосари А.Ариповнинг парламент эшитувлари ташкил этилди.

Йиғилишда назорат-таҳлил фаолияти ҳудудий депутатлар билан ҳамкорликда олиб борилиши самарали бўлгани таъкидланди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари кун тартибидаги барча масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

**Икром МУСАЕВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати катта референти.**

Янги қонун лойиҳаси муҳокамада

# ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ:

## ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда

Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳиятига кўра, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад — энергия таъминотчиларининг истеъмолчилар олдидаги жавобгарлигини, шу билан бирга, абонент(фойдаланувчи)лар масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчиликни кучайтиришдан иборат.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 477-моддасида энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда таъминотчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган **ҳақиқий зарар**ни қоплаб бериши белгилаб қўйилган. Аммо энергия таъминотчиси томонидан электр ёки газ етказиб берилмаган вақтда тадбиркорлик субъекти олиши мумкин бўлган даромад, яъни бой берилган фойдани ундириш тартиби амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айни шу масалани ҳал этишга қаратилган. Унга кўра, келгусида энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда энергия билан таъминловчи ташкилот тадбиркорга етказилган **ҳақиқий зарарни**, шунингдек, **бой берилган фойда**ни ҳам қоплаб бериши кўзда тутилмоқда.

Фуқаролик кодексининг «Зарарни қоплаш» деб номланган 14-моддасида **«зарар»** тушунчаси орқали **«ҳақиқий зарар»** ва **«бой берилган фойда»** тушунчалари қамраб олинган. Шунга мувофиқ, Фуқаролик кодексининг 477-моддаси биринчи қисмини «энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли **етказилган зарарни,** абонент эса шу туфайли етказилган **ҳақиқий зарарни** қоплаши шарт» тарзида бериш таклиф қилинмоқда.

Шу орқали энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаришда тадбиркорлар манфаатининг устуворлиги таъминланмоқда. Энергия таъминотчиси, айни пайтда фойдаланувчилар масъулияти оширилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини янада мустаҳкамлайди.

**Мустаҳкам оила йилида оилаларни нафақат ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айни пайтда, иқтисодий имкониятларини ошириш лозим. Бунда оилавий тадбиркорлик ривожланиши учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, улар олдида турган муаммоларни ечиш, бюрократик тўсиқ ва сансалорликларни бартараф этиш муҳим вазифадир. Шу маънода, энергия таъминоти шартномаси бўйича таъминотчининг жавобгарлиги кучайиши долзарб аҳамият касб этади.**

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида фракциямиз аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

Эътироф

**Тинч ва осойишта ҳаёт сайёҳларни жалб қилувчи энг муҳим омиллардандир. Мен Ўзбекистонда ана шундай тинчлик ва осойишталикни кўрдим, батартиб ва фаровон ҳаётга гувоҳ бўлдим.**

**Қайси давлатга бормай, аввало, ўша юртнинг миллий таомлари билан қизиқаман. Ўзбек таомлари менга ғоят манзур бўлди. Палов, кабоб, чучвара, норининг таъми оғзимда қолди. Ушбу файзу баракани мен Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, тинчлик ва барқарорлик, халқингизнинг меҳнаткашлиги-ю аҳил-иноқлиги самараси, деб биламан. Зеро, ҳалол меҳнат, тинчлик ва тотувлик ҳукмрон мамлакатда файзу барака ҳам мўл бўлади».**

**Лукас ПЮТТЕР, *(Австралия).***

**Тошкентга бундан етти йил аввал келган эдим. Бу гал шаҳарни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада чирой очганини кўриб, лол қолдим. Бу мафтункор заминда амалга оширилган мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади.**

**Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени лол қолдирди. Ўзбеклардек ширинсухан инсонларни кам учратганман. Юртингизда турли миллат вакилларининг аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечираётганини кўриб ҳавасим келди.**

**Бу гал «Дедеман» меҳмонхонасида тўхтадим. Айтиб ўтиш жоиз, меҳмонхоналардаги сервис сифати янада яхшиланган, меҳмонхоналар сонининг ошгани, уларнинг инфратузилмаси батамом ўзгаргани таҳсинга лойиқ».**

**Кианфан ТОУ, *(Хитой).***

Соғлом она — соғлом бола

# ОНА ВА БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК



***Суратда:*** *туғуруқхона фаолиятидан лавҳа.*

— Гулистон шаҳар туғуруқхонаси 1994 йилда иш бошлаган, — дейди шифохона бош шифокори Ҳанифа Содиқова. — Бугунги кунда туғуруқхонада малакали шифокор ва ҳамширалар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 18 нафари олий тоифали врачлардир. 2011 йилда тиббиёт коллежи битирувчиларидан 20 нафарини иш билан таъминладик. Туғуруқхонамиз нафақат шаҳримиз, балки вилоятимизнинг Мирзаобод, Ховос ва Сардоба тумани аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

Мазкур туғуруқхона бугунги кунда энг замонавий тиббиёт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланган. Жумладан, лаборатория ускуналари, катталар учун физиологик монитор, феталдоплер, янги туғилган чақалоқлар учун нафас олдириш мосламаси, ARABELLA 624121/02, Babutherm — R 8004/8010 каби аппаратлар хориждан келтирилди.

Туғуруқ мажмуасида фаолият кўрсатаётган малакали шифокорлар Маърифат Турдиева, Саид Масаидов, неонтолог Сайёра Сафарова, реаниматор Суюн Алланазаров ҳамда қўли енгил ҳамширалар Карима Раҳмонқулова, Гулбаҳор Раҳмонова хизматидан барча мамнун.

Зеро, жамоанинг фидокорона меҳнати ўз самарасини беряпти. 2011 йилда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Сардоба туманида яшовчи ёш она Регина Зеттиева туғуруқхонада яратилган шарт-шароитдан хурсанд бўлиб, шундай дейди:

— Туғуруқхонада она ва бола учун барча шароит муҳайё қилинган. Мен бунинг учун энг аввало Президентимизга миннатдорлик билдираман.

**(Ўз мухбиримиз)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1920,03 | 1 Миср фунти | 300,60 | 1 СДР | 2803,20 | 10 Жанубий Корея вони | 16,11 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2846,61 | 1 Канада доллари | 1807,16 | 1 Туркия лираси | 1019,16 | 10 Япония иенаси | 236,41 |
| 1 БАА дирҳами | 493,31 | 1 Хитой юани | 286,84 | 1 Швейцария франки | 1981,26 | 1 Россия рубли | 59,67 |
| 1 АҚШ доллари | 1811,86 | 1 Малайзия ринггити | 596,01 | 1 Евро | 2359,67 | 1 Украина гривнаси | 226,77 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Долзарб масала

# БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ КУЧЛИ ПАРТИЯ

## *мустаҳкам ва катта ишларга қодир бўлади*

Ҳар бир сиёсий партиянинг асоси, пойдевори бошланғич ташкилот экани тажрибадан ўтган ҳақиқатдир. Партиянинг аҳоли ўртасида доимий ишлайдиган, унинг муаммоларини ўрганиб, таклифларини юқори партия ташкилотлари ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги депутатларига етказадиган асосий бўғини — бошланғич ташкилотлардир. Улар фаоллик ва ташаббус кўрсатмас экан, сиёсий партиялар ҳеч қачон кўзланган мақсадга ета олмайди.

Бошланғич ташкилот қанчалик мустаҳкам бўлса, партия шунчалик кучли, жамиятда ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлади. Партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, ғояларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни беқиёс.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотига эга. Улар партия ғояларини тарғиб этиш, электорат вакилларининг сиёсий ва фуқаролик маърифатини шакллантириш, дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш, хайрихоҳлар ва тарафдорларни кўпайтириш борасида қатор ишлар қилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, ЎзХДП Миробод туман кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, уларнинг фаоллигини ошириш юзасидан яхши анъаналарга эга.

Туман ҳудудида жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти ўз атрофига 107 нафар аъзони бирлаштирган. Кузатиш мумкинки, кейинги йилларда бошланғич ташкилот сафи ҳар йили ўртача 8-10 нафарга ошиб бормоқда. Партиямиз фаоллари ташаббуси билан тизимда ишлаётган ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир умр шу соҳада меҳнат қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган фахрийлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб туриш яхши анъанага айланган.

Чилонзор туманининг «Исломобод» маҳалласидаги ҳудудий ташкилот ҳам ўзининг ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Мазкур қуйи ташкилот ташаббуси билан ўтказилган биргина «Соғлом она — соғлом бола» тиббий акциясида маҳаллада истиқомат қиладиган 200 нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиникада жойлашган бошланғич ташкилот партия ғояларини фаол тарғиб қилиш билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, электорат сиёсий билимини оширишга хизмат қиладиган тадбирларни изчил ўтказиб келмоқда. 2011 йил давомида 22 нафар ёш мутахассис ЎзХДПга аъзо бўлгани ҳам ана шу амалий ишлар натижасидир.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғоннефт» очиқ акциядорлик жамияти, Шеробод туманидаги «Ғалаба» маҳалла фуқаролар йиғини, Музработ туманидаги «Музработ тола» очиқ акциядорлик жамияти, Денов туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятидан ҳам кўплаб ибратли мисоллар келтириш мумкин.

Давлат санитария эпидемиология назорати маркази Қўрғонтепа туман бўлими, «Қўрғонтепа дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти, туман тиббиёт бирлашмаси, Жалақудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидаги каби бошланғич партия ташкилотлари қанча кўпайса, партиямиз нуфузи, кучи шунча ошади.

Аммо бугун ҳамма жойда ҳам бошланғич ташкилотларимиз фаол ишлаяпти, дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун астойдил интиляпти, дея олмаймиз.

**Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрининг Яккасарой, Тошкент вилоятининг Бўка, Қуйи Чирчиқ, Жиззах вилоятининг Арнасой, Зафаробод, Янгиобод, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Мирзаобод, Самарқанд вилоятининг Окдарё, Пайариқ, Кўшработ, Навоий вилоятининг Навбаҳор, Томди, Бухоро вилоятининг Пешку, Жондор, Хоразм вилоятининг Гурлан, Янгибозор, Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай, Кегайли, Қашқадарё вилоятининг Қамаши, Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бойсун, Сариосиё, Қумқўрғон, Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Бўз, Фарғона вилоятининг Бешарик, Бағдод, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туман партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар билан ишлашга етарли эътибор бермаяпти. Улар фаолиятини такомиллаштириш, жонлантириш ва фаоллаштириш бугунги сиёсий жараёнда жуда долзарб масала бўлса-да, туман партия кенгашлари, хусусан, халқ депутатлари туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг бошланғич ташкилотлар билан алоқаси талаб даражасида эмас.**

Бундан ташқари, ислоҳотларнинг янги босқичида аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса, ёшларнинг ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу борада йиллар давомида бирон марта жонли ташаббус билан чиқмаётган бошланғич ташкилотлар мавжудлиги туман, шаҳар ва минтақавий партия кенгашлари раҳбарларини жиддий ташвишга солмаётир. Партия ташкилотларида ишлайдиган, депутатликка номзод сифатида танланадиган кадрлар захирасини шакллантириш борасида бошланғич ташкилотлар билан етарли иш олиб борилмаяпти.

Бугун мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ўзи сиёсий партиялар зиммасига жиддий вазифаларни юклаётир, сиёсий партияларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки кундан-кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, сиёсий партияларнинг том маънода сиёсий куч сифатида фаолият юритиши учун барча имконият яратилган ва ҳуқуқий асослар тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг асосий йўналиши — давлат ва жамиятнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу вазифанинг самарали бажарилишида бошланғич ташкилотлар алоҳида ташаббус кўрсатиши зарур. Чунки улар электоратга энг яқин, унинг муаммоларини ич-ичидан биладиган бўғин ҳисобланади. Шундай бир шароитда биз бошланғич ташкилотларнинг мавжуд имкониятларидан етарли фойдалана олмаяпмиз.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари давлат дастурлари ҳамда ҳукуматнинг ижтимоий йўналтирилган қарорлари ижросини назорат қилиш юзасидан узлуксиз мониторинг ташкил этишда БПТ билан изчил ҳамкорлик қилиши зарур. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган аниқ вазифаларни бажаришда ҳам бошланғич ташкилотлар кучи ва имкониятидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, аҳоли ўртасида партиямизга хайрихоҳлар сафи кенгайишига замин яратади.

Айрим масалаларни барча даражадаги депутатларнинг ва бошланғич партия ташкилотларининг куч ва имкониятларини бирлаштириш орқали ечиш мумкин. Электорат ҳамда партия ғояларига хайрихоҳ бўлган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий масалаларни ечишда елкама-елка туриб, ўз фаоллигини ошириши, иштирокини кенгайтириши, ижтимоий масъулиятини кучайтириши лозим, буни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Бунинг учун бошланғич ташкилотлар етакчиларини мунтазам рағбатлантириб боришнинг мукаммал тизимини яратиш кераккa ўхшайди. Бошланғич ташкилотлар фаолияти бугун давр олдимизга қўяётган талаблар асосида, мутлақо янгича асосда йўлга қўйилмас экан, партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда кутилган натижага эришиб бўлмайди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналари

# МУАММОНИ БИЛИШ ВА ЕЧИШ

## *одамлар дардини эшитишдан бошланади. Аммо электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг синовдан ўтган воситасидан ҳамма жойда ҳам самарали фойдаланилмаяпти*

**ЎзХДП Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурида 13 та жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатади. 2011 йилда уларга 938 та ариза ва мурожаат тушди. Кишилар асосан, коммунал соҳа, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий масалаларда кўмак сўрайди.**

— Мурожаат қилинган масала ечими кўп жиҳатдан партия ташкилотлари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар ҳамжиҳатлигига боғлиқ, — дейди вилоят партия кенгаши масъул ходими Шаҳло Бакаева. — Шунга мувофиқ, масалаларни чуқур ўрганиб ҳал этишда қуйи бўғинлар, депутатлар, ҳуқуқшунослар кўмагига таянамиз. Бу ҳамкорлик яхши самара беряпти.

— Анчадан бери иш топишда қийналиб юрган эдим, — дейди вобкентлик Шоди Ражабов. — Партиянинг туман Кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Улар илтимосимни ерда қолдиришмади. Ўтган йили «Қалти» маҳалла фуқаролар йиғинига ишга кирдим.

«Жўйрабод» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Тошбиби Азимова Шофиркон туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига кредит олиш масаласида ёрдам сўраб келди. Партия вакиллари аввал мутахассисларнинг маслаҳати асосида ҳужжат тайёрлаш бўйича йўл-йўриқ кўрсатишди. Шу тариқа Тошбиби Азимова кредит олишга муваффақ бўлди. Ҳозир шу маблағ ҳисобидан тикув цехи очиб, ўз ишини ташкил этди. Бу ерда 10 киши иш билан таъминланди.

●●●

— 2011 йил туман партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига 55 та мурожаат тушди, — дейди Термиз туман партия кенгаши раиси Тўра Зоиров. — Аксарият мурожаатлар кредит олиш, ишга жойлашиш ва томорқа олиш масаласида. Биз тегишли идора ва ташкилотлар орқали уларнинг 47 тасини ижобий ҳал қилишга эришдик.

Марказий Кенгаш ташаббуси билан ўтказилаётган иқтисодий форумлар кўпчиликда қизиқиш уйғотаяпти. Форум ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, сертификат олишнинг тартиб ва талабларини билиш учун қабулхонага маслаҳат сўраб келганлар кўп бўляпти. Аммо қабулхона фаолиятини талаб даражасида дейишга ҳали эрта. Унда депутатлар иштирокини кучайтириш масаласига жиддий ёндашиш керак. Шундан келиб чиқиб, тумандаги 10 нафар партиямиз депутатлари билан жорий йил режасини туздик. Қабулхонада фуқаролар мурожаати билан ишлашда ҳар бир депутатга аниқ вазифалар юкланди. Қабул кунлари белгилаб олинди.

Ўтган йил давомида Сурхондарё вилоятидаги партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига жами 974 та ариза тушди. Уларнинг 682 таси ижобий ечим топди.

— Ўтган йили Янгиариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тамомладим, — дейди Нафиса Дўстқобилова. — Аммо мутахассислигимга мос иш топишда қийналдим. ЎзХДП Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида эшитгач, ёрдам сўраб бордим. Уларнинг кўмаги билан «Сурхон Термиз силк» корхонасига ип йигирувчи бўлиб ишга кирдим.

**Электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг энг самарали шаклларидан бири бўлган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан ҳамма жойда ҳам етарли фойдаланилмаяпти. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан ва Пешку туманлари, Жиззахнинг Жиззах ҳамда Зарбдор туманлари, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманларида аҳоли томонидан тушган мурожаатларни вақтида ҳал қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.**

●●●

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Янгиобод, Зафаробод, Дўстлик, Фориш, Мирзачўл ва Жиззах шаҳарларидаги Жамоатчилик қабулхонасида электорат билан ишлаш бўйича ибратли тажриба тўпланган. Айни пайтда, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қошида 20 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. 2011 йилда уларга 534 нафар фуқаро ўзини ўйлантираётган масалалар билан мурожаат қилди. Уларнинг 512 таси бевосита депутатлар кўмаги билан ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳат берилди, тегишли йўл-йўриқ кўрсатилди.

— Мурожаатлар асосан ижтимоий масалаларни ўз ичига олган, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Мўътабар Каримова. — Асосийси, уларни ҳал қилиш давомида фаоллар электорат билан елкама-елка туришди. Шунингдек, ўтган йили марказдан олисда бўлган ҳудудларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратдик. Жорий йилда ҳам бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу аҳоли орасига кириб бориш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишда алоҳида аҳамият касб этади.

Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Фароғат Ҳазратқулова соғлиғини тиклаш масаласида қабулхонага ёрдам сўраб келди. Унинг илтимоси эътиборсиз қолмади. Партия вакиллари мазкур масала бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилишди. Натижада беморга операция учун имтиёзли йўлланма олиб берилди.

*Дарҳақиқат, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти электорат билан ишлаш воситаси сифатида тобора такомиллашмоқда. Аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ўрганиш, кишиларга ёрдам бериш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатилиб, жойларда юзага келаётган муаммолар бартараф этилаяпти. Аҳолининг қувончу ташвишига шерик бўлаётган партиядошларимиз эл-улус орасида обрў-эътибор топмоқда.*

*Бироқ электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг энг самарали шаклларидан бири бўлган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан ҳамма жойда ҳам етарли фойдаланилмаяпти. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан ва Пешку туманлари, Жиззахнинг Жиззах ҳамда Зарбдор туманлари, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманларида аҳоли томонидан тушган мурожаатларни вақтида ҳал қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ҳатто қабул кунлари тартиби, уларда режага мувофиқ депутатлар иштирокини таъминлаш масалаларига ҳам совуққонлик билан қаралмоқда. Мазкур туманлардаги партия кенгашлари масъуллари бу оддий ҳақиқатни ўз вақтида англаб, тегишли хулоса чиқариб олмаса, электорат ишончини йўқотиб қўйиши мумкин. Бундай ҳол нафақат ушбу туманлар кенгашлари, балки умуман партиямизга қимматга тушиши мумкин.*

**Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

**Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинган 2012 йилда мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ёш оилалар учун муносиб турмуш шароитини яратиш бошқа соҳалар қатори республикамиз банк тизими мутасаддилари зиммасига ҳам бир қатор масъулиятли вазифаларни юклайди.**

**Марказий банк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида бизнес форумлар ташкил қилиш режалаштирилган эди.**

**Мазкур тадбирнинг биринчиси Жиззах вилоятида бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ва оилавий тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.**

# ТАДБИРКОР ОИЛА ФАРОВОН БЎЛАДИ

— Бир неча йилдан бери оиламиз аъзолари билан бирга ёғочдан турли уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарамиз, — дейди **Бахмал туманидан келган тадбиркор Муродулла Дўстбеков.** — «Микрокредитбанк» бизга имтиёзли кредит ажратди. Бундай эътибор оилавий бизнесимизни ривожлантириш, даромадимизни кўпайтириб, турмушимизни янада яхшилаш имконини яратади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги билан Марказий банк ҳамкорликда ўтказган мазкур тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масъуллари, оилавий бизнес билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар, тижорат банклари масъуллари, тадбиркорлик субъектлари билан ишловчи корхона ҳамда ташкилотлар мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бизнес форумда вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов, Марказий банк бошқаруви раисининг ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, берилган имтиёзлар, ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, жойларда ҳар қайси оила фаровонлигини ошириш учун қулай иқтисодий иқлим ва бизнес муҳит яратилаётгани ҳақида фикр юритди.

Хусусан, ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоятда банклар томонидан ажратилган кредитлар портфели 116 миллиард сўм бўлгани ва бу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан қарийб 1,5 ҳисса кўп экани, Мустаҳкам оила йили муносабати билан кредитлар миқдори 150 миллиард сўмдан ошиқ бўлиши кутилаётгани билдирилди.

Шундан сўнг энг яхши инвестиция лойиҳалари билан танловда ғолиб чиққан 72 нафар тадбиркорга республика тижорат банклари томонидан 19 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани маълум қилинди ва сертификатлар берилди.

— Танловда ўз лойиҳам билан иштирок этгандим, — дейди биз билан суҳбатда бахмаллик оилавий тадбиркор Муродулла Дўстбеков. — Ғолиб бўлдим, хурсандман. Биз каби тадбиркорларга оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун катта ёрдам бераётган ҳукуматимизга раҳмат!

— Тадбиркорликни танлаб янглишмаган эканман, — дейди «Жиззах Кўҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Холис Бобоева. — Дастлаб 36 фоизли кредит олиб, 7 киши билан иш бошладим. Бугун корхонамизда 300 нафар одам меҳнат қилаяпти. Эндиликда 3 фоиздан 14 фоизгача бўлган кредитлар олиш имконига эгамиз. Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлаши, ҳукуматимизнинг ёрдами билан мулкдор бўлдим. Биз ишлаб чиқараётган ипак ва атласнинг бозори чаққон. Асосий қисмини хорижга экспорт қилаяпмиз. Даромадимиз яхши, рўзғоримиз бут, турмушимиз файзли.

Бўлиб ўтган бизнес форум юрт ободлиги ва дастурхонимиз тўкинлиги учун жонбозлик кўрсатаётган мана шундай фидойилар сафини янада кенгайтириши шубҳасиз.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.**

Муносабат



# МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

**2012 йилнинг мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши барчамизнинг кўнглимиздаги иш бўлди. Чунки ҳар йили мамлакатимизда минглаб ёшлар оила қуришади. Шукрки, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юртимизда улкан имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, уларнинг оила қўрғони мустаҳкам бўлиши учун замонавий уй-жойлар қурилмоқда. Кам фоизли имтиёзли кредитлар бериб борилмоқда.**

Фикрим асосли бўлиши учун ўзим яшайдиган Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида бу борада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдим. Ўтган йилнинг ўзида 14 нафар ёш оила учун замонавий уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Қишлоғимиз аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида барча қулайликларга эга кўркам тиббий муассаса барпо этилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида ишга тушган қишлоқ врачлик пункти бугун одамларимиз хизматида. Муҳими, ҚВП ҳузурида дорихона ҳам очилди. Шунингдек, Навоий номли маҳаллага қарашли Чархпалак кўчасига асфальт ётқизилди. Туман дастурига асосан 2012 йилда қишлоқдаги яна иккита кўчани таъмирлаш белгиланган.

Демоқчиманки, Мустаҳкам оила йилида оилани мустаҳкам қилишга янада кўпроқ диққат-эътибор қаратилади. Ёш оилалар учун уй-жой қуриш кўлами кенгаяди, улар ўзларини тиклаб олишлари учун имтиёзли кредитлар бериш салмоғи ошади, ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш маданияти янада яхшиланади, хуллас, жамиятнинг бошланғич бўғини — ёш оила мустаҳкам бўлиши учун керакли шарт-шароитлар яратилади. Бир ҳақиқатни яхши англаймизки, бу ишлар халқимиз фаровонлигини, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашини ўйлаб қилинмоқда. Мана шундай буюк орзу ва мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатаётганларга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

**Латифжон МАНСУРОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиби,
ЎзХДП фаоли.**

Қарор ва ижро

# СОЛИҚЛАР ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНАДА ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Мамлакатимиз иқтисодиётидаги юқори ўсиш суръатлари аҳоли реал даромадларининг йил сайин ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, 2011 йилда мамлакатимизда иш ҳақи 20,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоиз ўсди.**

**Таъкидлаш лозимки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган солиқ сиёсати билан ҳам боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги яна бир муҳим ҳужжатдир.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳабибулла РАҲМОНОВ билан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ставкалари ҳамда бу борадаги имтиёзлар ҳақида суҳбатлашди.**

— Мамлакатимизда солиқларнинг рағбатлантирувчи хусусиятига эътибор кучайгани самарасида миллий ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ юкининг камайишига эришилмоқда, — дейди Ҳ.Раҳмонов. — Хусусан, солиқ юки 1991 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган йиллар давомида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижасида ҳозирги кунда бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан қарийб 2 баробар камайди. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси ҳам йилдан-йилга пасайтирилаётгани аҳоли фаровонлигининг тобора юксалишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори билан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйи ставкаси 2012 йилда 9 фоиз этиб белгиланди. Бу ўтган йилдагига нисбатан бир фоиз кам бўлиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда даромад олаётган жисмоний шахслар ушбу ставкада солиқ тўлайди.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган қисмини 16 фоиз, ўн бараваридан ортиқ қисмини эса 22 фоиз ставкада солиққа тортиш тартиби сақлаб қолинди.

**— Жисмоний шахслар учун қандай солиқ имтиёзлари белгиланган?**

— Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда нафақат солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, балки аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган имтиёзлар жорий этилаётгани ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, ёш оилаларга якка тартибда уй-жойни қуриш ва таъмирлаш, кўпқаватли уйдаги квартирани сотиб олиш ёки реконструкция қилиш учун берилган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларга солиқ солинмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳам солиққа тортилмайди.

Яна бир муҳим жиҳат. 2009 йил 30 декабрда Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга биноан, 2010 йил 1 январдан бошлаб агар фуқаролар солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларини Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтирадиган бўлса, уларнинг ушбу даромадларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига нисбатан солиқ ҳисобланмайдиган бўлди.

Мазкур имтиёзлар билан биргаликда фуқароларнинг халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан ёшларни жалб этиш ҳам солиқ бўйича рағбатлантирилмоқда. Шу мақсадда 1997 йил 1 апрелдан бошлаб Президентимизнинг фармони билан уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги фармони билан ушбу имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Жисмоний шахсларнинг уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйинали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва ҳоказоларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадларига солиқ солинмайди.

**— Жорий йилдан бошлаб жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага бериши ва бундан олган даромадидан солиқ тўлаши билан боғлиқ янгиликлар жорий этилди. Шу ҳақда батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

**— 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, 2012 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олган даромадлари, жисмоний шахслардан текинга олган улушлари, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлари, шунингдек, жисмоний шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олган даромадлари энг кам ставкада солиққа тортиладиган бўлди.**

2012 йил 1 январдан бошлаб солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгартиш ва қўшимчалардан бири — жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларини ҳисобга олиш ва солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган айрим нормаларнинг амалга киритилишидир. Жумладан, 2012 йил 1 январдан бошлаб уй-жойларини ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун ижарага берилаётган уй-жой умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг ҳар бир квадрат метрига ойлик ижара тўлови миқдорининг энг кам ставкалари уларнинг жойлашган жойига қараб табақалашган ҳолда белгиланди. Унга кўра, Тошкент шаҳрида – 3 минг сўм; Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунадиган шаҳарларда – 2 минг сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 1 минг сўм миқдоридаги ижара тўлови белгиланди.

Мисол учун, Тошкент шаҳрида кўпқаватли уйдаги умумий майдони 60 квадрат метрдан иборат бўлган квартира ижарага берилганда, ойлик ижара тўлови миқдори 180 минг сўмдан ва ижарага берувчининг декларация асосида ҳисобланадиган даромад солиғи 16,2 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим. Агар ижарага берилган бундай турар жой Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги бошқа шаҳарларда жойлашган бўлса, у ҳолда ижарага берувчининг декларация асосида тўлайдиган ойлик даромад солиғи суммаси 10,8 минг сўмдан, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса, 5,4 минг сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар фуқаро томонидан уй-жой ижарасидан олинган даромади бўйича тақдим этган декларациясида ҳисобланган даромад солиғи ижара тўловининг энг кам ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммасидан юқори бўлса, у ҳолда ушбу даромад солиғи бюджетга тўланиши лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2012 йил 1 январдан бошлаб фуқаролар томонидан бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш жараёнида ижара шартномаси тузилиши ва нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Акс ҳолда бу ҳолат маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги 159[1]-модда киритилди. Ушбу моддага мувофиқ, фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик – энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Солиқ ставкаларининг пасайтириб борилаётганига қарамасдан бюджетга солиқ тушумларининг ўсиши тенденцияси сақлаб қолинмоқда. Бу мамлакатимиз ривожи, халқимиз фаровонлигининг муҳим омилидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди.**

Хориж

## ДУНЁ БАЛИҚЧИЛИГИ

*зарар кўрмоқда*



***Қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари томонидан денгиз ва дарё соҳилларига заҳарли чиқинди сувларини оқизиш оқибатида дунё балиқчилиги йилига 50 миллиард доллар миқдорига тенг зарар кўрмоқда, дейилади БМТ мутахассислари тайёрлаган маърузада.***

Айнан атроф-муҳитнинг ўта ифлосланганлиги, дарё ва денгизлар қирғоқларига масъул бўлган мутасаддиларнинг ноқобил бошқарув тизими боис дунё балиқчилик ресурсларининг 32 фоизи бугунги кунда тузатиб бўлмайдиган даражага келган.

«France Presse» АА хабарида ёзилишича, айни пайтда қишлоқ хўжалигининг турли ўғитлари (нитрат, фосфат, шунингдек, ҳашоратларга қарши қўлланадиган инсектицидлар ҳамда бегона ўтларни йўқ қилишда ишлатиладиган гербицидлар) ва саноат чиқинди сувлари оқизилиши оқибатида дунё океанларида «ўлик ҳудуд»лар сони 500 га яқинлашиб қолди.

БМТ маърузасида алоҳида таъкидландики, агар Европа мамлакатлари минерал ўғитлар ва бошқа саноат чиқинди сувларини денгиз ва дарёларга оқизишни бутунлай тўхтатса, фақат балиқчилик саноатининг ўзидан йилига 100 миллион доллар миқдорида фойда олиши мумкин экан.

## ИШСИЗЛИГИ УЧУН

*нафақа сўровчилар камайган*



***Январнинг иккинчи ҳафтасида АҚШда ишсизлиги боис нафақа сўраб маъмуриятга расмий мурожаат этганлар сони 352 минг кишини ташкил этди, дея хабар беради «Associated Press» АА мамлакат Меҳнат вазирлиги тарқатган маълумотга асосланиб. Бу кўрсаткич 2008 йил апрелдаги даражага тушган. Январнинг биринчи ҳафтасида ишсизлик нафақаси сўровчилар сони 402 минг кишини ташкил этган эди.***

Умуман, ўтган йилнинг декабрида АҚШда ишсизлик даражаси 8,5 фоизга тушган. Бу кейинги уч йилда ишсизлик даражаси анча пасайганини билдиради, дейилади хабарда.

Шу нарса алоҳида таъкидланмоқдаки, ўтган йили АҚШда 1,6 миллионта янги иш ўрни ташкил этилган. 2010 йилда бу кўрсаткич 940 мингга тенг эди. Бу йил эса 1,9 миллион янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

## ҚЎРИҚЛАШ ТИЗИМИ

*кучайтирилиши лозим*

***Швециянинг радиация хавфсизлиги бўйича агентлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳозирги кунда атом электр станцияларида қўриқлаш тизимининг аҳволи хусусида маъруза тайёрлади. Унда қайд этилишича, АЭСларда қўриқлаш тизими қониқарли аҳволда эмас. Қўриқлаш кучайтирилиши ва қўриқчилар қурол билан таъминланиши лозим.***

Сабаб: 2010 йили Уппсала шаҳридаги «Фошмак» АЭСи ҳудудига АЭСлар ёпилишини талаб қилиб, норозилик намойиши уюштирган бир гуруҳ эколог-фаоллар бемалол кирган. Ўшанда экологлар ўрнида террорчилар бўлганида нима бўларди? Мана шу савол радиация хавфсизлиги бўйича агентлик ва Ички ишлар вазирлиги маъмуриятларини эҳтиёткорликка ундади.

«The Local» нашри хабар беришича, бугунги кунда мамлакатдаги учта атом электр станциясида 10 та рекатор ишлаб турибди. Маҳаллий экологлар ҳукуматдан бу АЭСлар фаолияти тугатилишини талаб қилмоқда. Аммо ҳукумат бу талаб ижроси устида ҳали ўйлаб кўрмади.

Реклама ўрнида

# «АСАКА» БАНК — ЯНГИ ХИЗМАТЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

**Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғи ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Тизимнинг бақувват молия муассасаларидан бири — «Асака» банк давлат-акциядорлик тижорат банки ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар бунинг ёрқин далилидир.**

Чунончи, банкнинг Хоразм вилоят филиали мижозларга барча турдаги хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтириб, уларнинг сармоясини омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда.

Филиал томонидан хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини тезлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини яхшилаш борасидаги ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш учун изчил ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2011 йил якунларига кўра, филиал жами кредит қўйилмаларининг қолдиғи 63,9 миллиард сўмни ташкил қилган ва йил бошига нисбатан 53,7 фоизга ўсган. Узоқ муддатли кредитлар салмоғи 97,9 фоизни ташкил этган. Кредитлар ҳисобига 2700 нафардан зиёд янги иш ўринлари очилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 20,6 милиард сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди ва 418 та янги иш ўринлари яратилди.

— Вилоят, шу жумладан, Урганч шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобусларидан 42 донасини лизинг ҳисобига олиш учун «Асака» банкнинг Хоразм вилоят филиалига мурожаат этгандик, — дейди «Бунёд йўловчи ташиш» МЧЖ раҳбари Жуманиёз Машарипов. — Сўровимиз қисқа муддатда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал бўлди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 84 та янги иш ўрни яратилди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда — дейди «Monada Amon» МЧЖ раҳбари Шаҳло Хўжаева. — Банкларнинг молиявий кўмаги эса улар учун айни муддао бўлмоқда. Тиббиёт муассасамиз ҳам яратилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

Жумладан, аҳолига юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширдик. Урганч шаҳрида янги очилган даволаш муассасамиз орқали аҳолига юқори сифатли, кўп тармоқли тиббий хизматларни кўрсатмоқдамиз.

Тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш учун хорижда ишлаб чиқарилган замонавий, жаҳон андозаларига мос тиббиёт ва ташҳис ускуналарини сотиб олиш мақсадида «Асака» банкнинг Хоразм вилоят филиалига мурожаат этдик. Кредитга бўлган талабимиз тезликда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал бўлди. Кредит ҳисобига хориждан ноёб тиббиёт ускуналари келтирилди ва ўрнатилди. Бу аҳолига барча тиббий амалиётларни кўрсатиш учун кенг имкониятларни очди. Натижада 14 та янги иш ўрни яратилди.

Банк филиали томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга 2 миллиард сўмдан зиёд, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга 4,5 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, тадбиркор аёллар иш фаолиятини ривожлантиришга 8,3 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу эса ўз навбатида 343 нафар аёлнинг иш билан таъминланишига хизмат қилди.

Умуман олганда, банк фаолиятида барча тоифадаги мижозларга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қулайлик яратиш сиёсати муҳим устувор вазифалардан саналади. Филиал ресурс базасини кенгайтириш, жалб этилган пул маблағларини асосан иқтисодиётнинг реал секторида фаолият кўрсатаётган, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги технологияларни сотиб олишга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга сафарбар қилиш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу мақсадда аҳолига 85 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар таклиф этилмоқда. Аҳоли омонатлари қолдиғи 2011 йил охирига келиб 44,6 миллиард сўмни ташкил қилди ёки йил бошига нисбатан 80 фоизга ўсди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириш мақсадида филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ 29579 дона сўм пластик ва 4471 дона халқаро пластик карталар муомалага чиқарилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотлар билан иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича фаол ишлар амалга оширилаяпти. Ҳозирга келиб жами 226 та корхона ва ташкилотларда иш ҳақи лойиҳалари жорий этилган, 15 мингдан зиёд ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда. Пластик карталар орқали ўтказилган транзакциялар миқдори 23,1 миллиард сўмдан ортди. Бу вилоят аҳолисининг «Асака» банк пластик карточкаларига бўлган ишончининг янада ортаётганлигидан далолатдир.

Шу билан биргаликда, хизмат сафарларига чиқаётган тадбиркорлар, фирма ва корхоналар раҳбарларига қулайликлар яратиш мақсадида корпоратив пластик карталар ҳам жорий этилган, бундан ҳозирги кунда банкнинг 51 мижози фойдаланмоқда.

Филиал томонидан ўтган йили Хоразм вилоятида жами 291 та ҳисоб-китоб терминали ўрнатилди. Савдо терминаллари мижозларга телефон тармоғи орқали инкассация қилиш, яъни савдо тушумларини банкдаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри тушириш ва вақтни тежаш имкониятини яратмоқда.

Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида 2 та инфокиоск ва 3 та банкомат ўрнатилди. Бу мижозга ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағини пластик карточкага юклаб, коммунал хизматлар, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходимисиз ва ҳеч қандай қоғозбозликсиз амалга оширишга имконият бермоқда. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш сифат даражасини ошириш мақсадида 7 та мини-банк, 82 та жамғарма ва махсус кассаларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилган.

«Асака» банк Хоразм вилоят филиали Мустаҳкам оила йилида ҳам мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон ифтихорлари

# ЖАҲОННИНГ КУЧЛИ ШОҲМОТЧИЛАРИДАН БИРИ

**Сирдарёликлар ўзлари мезбонлик қилган 2009 йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Ўшанда боёвутлик Сарвиноз 14 ёшда бўлиб, 8 карра Ўзбекистон чемпиони ва Осиё чемпионати кумуш медали совриндори сифатида мусобақа машъаласини ёққанди. Ҳозир у 12 карра мамлакат чемпиони, спорт устаси, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.**



Ўтган йил август ойида бўлган Малайзия очиқ чемпионатида 9 давлатдан 40 нафардан зиёд кучли шоҳмотчилар иштирок этди. Ўзбекистон шарафини боёвутлик Сарвиноз Қурбонбоева ҳимоя қилди. У 9 имкониятдан 7 очко жамғариб, очиқ чемпионат ғолибига айланди. Кўксига чемпионат олтин медалини тақиб қайтган қизни, юртдошлари яна бир мукофот билан табриклашди. У «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил» кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган эди.

Сарвиноз 4 ёшида шоҳмот суришни тўлиқ ўрганиб олди, 6 ёшида синовдан муваффақиятли ўтиб, қишлоқдаги 9-умумтаълим мактабининг 1-синфига қабул қилинди. 7 ёшли 2-синф ўқувчиси 2002 йили «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади.

Навбатдаги йил муваффақиятлар саҳифаларини бошлаб берди. Кунларнинг бирида қишлоқдошлари, халқаро тоифадаги спорт устаси Маматқул Ҳайлаев Тошкент шаҳрида 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилиши ҳақида хабар етказди. Каримберди ака қизи билан пойтахтга йўл олди. Сарвиноз 10 ёшгача қизлар биринчилигида 7 имкониятдан 7 очко жамғариб, ғолибликни қўлга киритди ва Грецияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилди.

**Шундан буён Сирдарёнинг шоҳмот маликаси ўз ёш тоифасида ғолибликни ҳеч кимга бермай келаяпти. Маматқул Ҳайлаев ҳам қобилиятли қишлоқдоши маҳоратини ошириш учун индивидуал сабоқлар берди. 2004 йилнинг ноябрь ойида Грецияга йўл олишди. Жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан энг кучли деб сараланган ёш шоҳмотчилар йиғилганди. Сарвиноз ҳам бўш келмади, жаҳон аренасида 7-ўринга эга бўлди. Ўша йили Бухорода ўтган 12 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги мамлакат биринчилигида навбатдаги чемпионликни қўлга киритди.**

2005 йили унга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси «Пентиум-4» русумли компьютер совға қилди. Бу эса ёш спортчига назарий билимларини таҳлил қилиш имкониятини берди. Ўша йили Франциянинг Бельфорт шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида қатнашди. Кейинги йилларда Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Туркия, Малайзия мамлакатларида ўтган халқаро турнир ва жаҳон чемпионатларида дона сурди.

Айниқса, 2008 йили хайрли келди. Бу пайтда у Осиё ва жаҳоннинг кучли шоҳмотчилари қаторида тан олиниб улгурганди. Ўша йили Эронда бўлиб ўтган қитъа чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, юртимизга кумуш медаль билан қайтди.

**2009 йили Россия Федерациясининг Екатеренбург шаҳрида Шанхай ҳамкорлигига аъзо давлатлар ўртасида ўтказилган халқаро болалар турнирида Сарвиноз рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Турнирнинг мутлоқ ғолибига айланиб, учта олтин медални қўлга киритди. Шу йили шоҳмот ватани Ҳиндистонда ўтган Осиё чемпионатида бронза медали совриндори бўлди.**

2010 йил Сарвиноз Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилди.

Сарвиноз 2010 йили Боёвут туманидаги 9-умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаб, бугунги кунда ўқишини Навбаҳор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида давом эттирмоқда. Ўтган йили Сарвиноз Термиз шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мусобақаларида шахсий биринчилик ва умумжамоа мусобақаларида олтин ва кумуш медалларини қўлга киритди.

Йўлингиз тушиб, Гулистон шаҳрига кириб борар экансиз, катта паннода истеъдодли қиз суратига кўзингиз тушади. Бу бизнинг Сарвиноз, нафақат Сирдарёнинг балки бутун Ўзбекистонимизнинг фахри-ифтихори.

**Жанглиш ҲАСАНОВА**

Миннатдорлик

# БАНК КРЕДИТИ

**Иш фаолиятимизни кенгайтиришга, янги иш ўринлари очилишига, одамларда эртанги кунга умид, ишонч уйғотишга хизмат қилмоқда.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки Самарқанд минтақавий филиалининг 286 млн. сўм миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредити ҳисобига хўжалигимизда рангли шифер, метал-черепица ва тарновлар ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди.**

Даромадимиз манбаи сезиларли кенгайди. Қўшимча 14 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Янги — 2012 йил давомида аҳолига янада кўпроқ қурилиш материаллари етказиб беришни, ишлаб чиқариш қувватини янада оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Аҳил жамоамиз билан юқори натижаларга эришаётганимизда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиалининг бизга кўрсатаётган банк хизмати ва ажратилган кредитлари бош омил бўлмоқда.

**Бахтиёр ОДИЛОВ,**
**«Истиқлол шуъласи» фермер хўжалиги раҳбари.**

Реклама ва эълонлар




## ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

**объявляет открытый тендер**

**на приобретение следующей специальной техники для технического обслуживания воздушных судов (ВС) в аэропорту.**

Тендер будет производится по четырем лотам и только за национальную валюту (сум Узбекистана):

Лот №1 — Погрузчик контейнеров и паллет грувоподъемностью не менее 7 тонн — 1 шт.

Лот №2 — Ленточный погрузчик грузоподъемностью не менее 1 тонн — 3 шт.

Лот №3 — Мини тягач для буксировки тележек и прицепных специальных агрегатов — 5 штук.

Лот №4 — Машина скорой помощи — 1 шт.

Условия платежа и поставки указаны в «Инструкции к тендерным документам».

Максимальный срок поставки техники — 150 дней с момента проведения предоплаты покупателем.

Желающих предложить свои услуги просим прислать на E-mail: sapernyal950@mail.ru или sst.tas@uzairways.com, а также по факсу 8-10-99871-140-28-48 заявку на получение инструкции по представлению тендерной документации.

Инструкция будет предоставлена на безвозмедной основе по указанному Вами в и заявлении электронному адресу: Залоги под участие в тендере не взимаются.

Инструкция участника тендера выдается только на основании заявки, поданной в письменной форме.

Срок приема заявок на пакет тендерных документов будет осуществляться до 5 февраля 2012 года.

Срок приема тендерных предложений — до 28.02.12 г. включительно.

Тендер будет проводится с 30 января по 2 марта 2012 года.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: +99871-140-29-54, спросить Семена Аркадьевича или +998901879445 спросить Александра Сергеевича.

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти жамоаси институтнинг етакчи мутахассиси Гулчеҳра Маҳмудовага турмуш ўртоғи **Асад МАҲМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

NBU

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки




**миллий валютадаги янги муддатли омонатга маблағлар қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади:**

### «САДОҚАТ»

** Сақлаш муддати – 6 ой. *Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.*
** Фоизлар ҳар ой (талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясисиз) ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.*
** Бадал миқдори чекланмаган.*
** Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилади.*

**Ҳамда миллий валютадаги коммунал омонати амалга киритилганлигини маълум қилади:**

### «МАНФААТЛИ»

** Сақлаш муддати – 1 йил. * Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.*
** Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг ёзма аризасига асосан, бўнак тариқасида нақд пулсиз кўринишида коммунал тўловларни тўлашга йўналтирилади.*
** Омонатчи омонат миқдорини, коммунал ва бошқа хизмат турларининг тўлови учун керакли бўлган маблағ миқдоридан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ўзи белгилайди.*
** Ушбу омонатга пул маблағларини қабул қилиш 2012 йилнинг 31 декабригача амалга оширилади.*

**Шунингдек, миллий валютадаги «Тарона» ва «Шинам» муддатли омонатларининг қайта амалга киритилганлигини маълум қилади.**

**Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

www.nbu.com

*Хизматлар лицензияланган.*

## ОБ-ҲАВО 31-01 – 01-02. 2012

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | | |
| -5 / -10 | -3 / -8 | |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | | |
| -5 / -10 | -3 / -8 | |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | | |
| -1 / -6 | 0 / -5 | |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | | |
| 0 / -5 | -2 / -7 | |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | | |
| -1 / -6 | 0 / -5 | |
| *Тошкент шаҳри* | | |
| -3 / -5 | -2 / -4 | |

**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | -2 / +3 |
| Париж | 0 / +1 |
| Москва | -21 / -18 |
| Мадрид | -1/ +5 |
| Пекин | -10 / -11 |
| Гонгконг | +13 / +14 |
| Рим | +3 / +6 |
| Анқара | -10 / -4 |
| Токио | +1 / 0 |
| Стокгольм | -11 / -4 |
| Кейптаун | +20 / +25 |
| Қоҳира | +18 / +20 |
| Гавана | +23 / +30 |
| Вашингтон | +2 / +10 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19152 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Elmurod EGAMQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5